



## КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Муаттархон Тилаволдиевна Акбарова**

Чирчиқ давлат педагогика университети

"Илмий ва методологик кимё" кафедра катта ўқитувчиси

E-mail:akbarova72@mail.ru

**Бинафша Фарходовна Назмитдинова**

З-курс талабаси

Чирчиқ давлат педагогика университети

**Мафтуна Бобомурод кизи Юсупова**

Кимё 22/1

Чирчиқ давлат педагогика университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада кимё фанини ўқитиши жараёнида тарихий маълумотлардан фойдаланиш ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** Кимё, тарихий материал, кимёвий тафаккур, кимёвий тафаккурнинг шаклланиши, таълим, талаба, мутахассис.

Кимёнинг фан сифатида ривожланиши, кимёвий билимларнинг пайдо бўлиши ва тўпланиши, кимёвий дунёқарашнинг шаклланиши, энг муҳим кимёвий кашфиётлар, олимлар ва тадқиқотчиларнинг моддий дунё ва ундаги кимёвий ўзгаришлар ҳақидаги билимларнинг эволюциясидаги ўрни ҳақида тарихий маълумотлар катта аҳамиятга эга.

Ушбу фан кимё фанини асосий қонунларини яратилиш тарихининг чуқур асосларини билиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уларни керакли жойда назарий ва амалий билимларни қуллай билиш ва уни тушунтириш каби масалаларни қамраб олади.

Кимёнинг ривожланиш тарихи, илмий ва амалий ютуқлари, келажакда ҳал қилиниши лозим бўлган назарий ва амалий асослари билан талabalарни таништириш ва уларда кимё фанига қизиқиш уйғотиши ҳамда ижодий куртакларни ўстириш фаннинг асосий мақсади ҳисобланади [1].

Кимё ўқитувчиси учун тарих нафақат янги фактлар ва иллюстрациялар манбаи, балки талabalарга педагогик таъсир кўрсатишнинг кучли воситасидир. Кимё тарихи турли хил мисоллар, ҳодисалар, фактлар, маълумотлар, кашфиётлар, умумлашмалар, ғалабалар ва мағлубиятлар, афзалликлар ва камчиликлар умумлашуви сифатида қизиқиши қўзғатувчи ва танқидий фикрлашни ривожлантириш учун восита бўлиб хизмат қиласи.

Фақат тарихий ўқув материаллари кимё талabalariiga фанни кимё яратувчilariiga тегишли бўлган ривожланаётган гипотезалар ва назарияларнинг тирик оқими сифатида тақдим этишга имкон беради.



Даврий қонун ва кимёвий элементларнинг даврий тизимининг муаллифи Д. И. Менделеев фан тарихини ўрганиш нафақат фаннинг мураккаб ривожланиш йўлини тушуниш, балки унинг замонавий муаммоларига фаол қизиқиш уйғотиш учун ҳам зарур деб ҳисоблаган. Ва бу, асосан, инсоннинг кўп қиррали баҳолаш миқёсига эга бўлгандагина эришилади, бу уларга илмий тадқиқотларга умумий қараш, орқага қараш ва шундан кейингина эртанги кунга қайтиш имконини беради.

Узоқ тарихи давомида кимё ўзаро боғлиқ бўлган иккита асосий муаммони ҳал қилди: фойдали хусусиятларга эга моддаларни олиш, моддаларнинг турли хусусиятларининг келиб чиқиш сабабларини ва шартлилигини тушунтириш. Бу ҳақиқат методист кимёгарларнинг диққат марказида бўлиши керак, чунки кимё фанининг тақдирини тарихий талқин қилиш ҳар доим ҳам аниқ эмас.

Ва ниҳоят, тарихий материалнинг ғоявий, тарбиявий, қизиқувчан ва ҳаяжонли томонларини еътиборсиз қолдирмасдан, биз бундай маълумот ва фактлардан ойдаланиш умуман кимё ўқитишининг илмий аҳамиятини сезиларли даражада оширишини чуқур ишонч билан айтишимиз мумкин. Ягона муаммо шундаки, кимёнинг бирон бир соҳаси давомида тарихий материалдан фойдаланиш фаннинг ривожланиш мантиғини бузмайдиган тарзда қўйилиши керак.

Айниқса, органик кимёга оид тарихий материал катта ҳажмга эга. Замонавий органик кимё ютуқлари ўз-ўзидан пайдо бўлмади. Бу илм- фаннинг узоқ тарихий ривожланиш йўли, илмий тадқиқотлар, кўплаб тадқиқотчиларнинг саъй-ҳаракатлари натижасидир. Талабалар тегишли кашфиётлар қандай ва қачон пайдо бўлганлигини кўрсатиш учун тарихий маълумотларни ўз ичига олган илмий назарияларнинг ҳозирги ҳолати билан танишишлари керак.

Талабаларни билим олишга жалб қилиш, уларни олға ҳаракатлантиришdir. Бу эса педагог ва талабаларни (ўзаро) биргаликдаги меҳнатга жалб қиласиди. Бунинг учун ўқитишга мажбур қилмаслик керак [2].

Бундай муаммоларни ижобий ҳал етиш учун қуйидаги ишларни босқичмабосқич амалга ошириш керак:

☒ -тарихий материалларни умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига тизимли киритиш.

☒ -дарс давомида ва синфдан ташқари ишлар учун фойдаланиш учун тарихий материалларни танлаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш.

Таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқитувчининг педагогик ва талабаларнинг билиш фаолиятини уйғун равишда ташкил этиш, мазкур фаолиятни фаоллаштириш мақсадида, самарали ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларини қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимлар мажмуасидир [3].



Олий ўқув юртларида кимё фанини ўқитиш йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда [4], таълим соҳасида кимё мутахассисларни тайёрлашнинг қасбий тамойилларни кучайтириш, ўз қасбига меҳр уйғотиш, кимёвий билимларни беришни тубдан яхшилаш ва уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши ҳамда ўз қасбидан қониқишилари учун мустаҳкам пойдевор ўрнатилиши долзарб ва устувор вазифалардан биридир.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Акбарова М.Т. "Кимё" курсининг дидактик материаллари нокимёвий таълим йўналишлари мисолида (Academic Research in Educational Sciences, ISSN 2181-1385 (Impact Factor: 5,723).-Uzbekistan, 2021. Vol.2, №6. P.736-740.). <https://cyberleninka.ru/article/n/kimyo-kursining-didaktik-materiallari-nokimyoviy-talim-y-nalishlari-misolida>
2. Akbarova M.T. "Kimyo" kursini o'qitishda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish usullari" "Academic research in educational sciences (ARES)" журнали (О'zbekiston) Volume 3 | Issue 5 | 2022. ISSN: 2181-1385 Cite-Factor: 0,89 | SIS: 1,12. DOI: 10.24412/2181-1385-2022-5-852-859 SJIF: 5,7|UIF:
3. Акбарова М.Т. Физика йўналиши талабаларига кимё фанини ўтишда "Атом тузилиши" мавзусини семинар машғулотида глоссарий тренинг методи асосида ўтиш. b.82-85. <https://scienceweb.uz/publication/2061>
4. Акбарова М.Т. "Кимё" курсининг дидактик материаллари нокимёвий таълим йўналишлари мисолида//Academic Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 5 | 2022 ISSN: 2181-1385 Cite-Factor: 0,89 | SIS: 1,12 DOI: 10.24412/2181-1385-2022-5-1271-1275 SJIF: 5,7 | UIF: 6,1 1275 May, 2022 [https://t.me/ares\\_uz Multidisciplinary Scientific Journal Research in Educational Sciences,2021, Volume 2, Issue 6, Page 736-740](https://t.me/ares_uz Multidisciplinary Scientific Journal Research in Educational Sciences,2021, Volume 2, Issue 6, Page 736-740)
5. Оманов Х.Т., Элмуродов Б. Исторический и инновационный подход в процессе преподавания химии."Узлуксиз таълим-тарбия узвийлигига фанлараро интеграция муаммолари". Илмий мақолалар тўплами. -Тошкент: Янги нашр, 2015. -Б.299-303.
6. Umarov B.B., Niyazxonov T.N. Kimyo tarixi.-Toshkent, Navro'z, 2015.- 576 b.
7. C.Cobb, H.Goldwite Creations of Fire Chemistry's Lively History from Alchemy to the Atomic Age //Originally published by Plenum US in 1995 455 б.
8. Toshpo'latov Yu.T., Primqulov M.T., Maxmatkulova Z.X. Kimyo tarixi (metodik qo'llanma). Toshkent. -2006.



9. "Kimyo va biologiya yonalishlarida uzlucksiz ta'lim sifatini va ilm-fan natijadorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" PQ 2020-yil 12-avgustdagi 4805-sonli qarori.

10. М.Т.Акбарова, С.Э.Нурмонов Кимè (ўқув қўлланма) Тошкент-2017.-5

6